



Ислом Нури

ўртасига темир гурзи билан урилади. У қаттиқ дод-фарёд қилади, унинг фарёдини атрофдаги инсу-жиндан бошқа ҳамма жонзот эшитади» (Имом Бухорий ривояти).

Маййит жаннатдан ёки дўзахдан бўлган ўрни ҳақида хабардор қилинади:

«...» :...»

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз вафот этса (борадиган) жойи унга эртаю кеч кўрсатиб турилади. Жаннат аҳлидан бўлса жаннат аҳли(нинг жойи)дан, дўзах аҳлидан бўлса дўзах аҳли(нинг жойи)дан. Ва унга: «То қиёмат куни Аллоҳ сени у ерга қайта тирилтиргунча жойинг шу» дейилади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Маййит дафн этилиб, ёру-дўстлари ортга қайтишаётган пайтда унга руҳи қайтарилади ва барзах ҳаётини бошидан кечиради. Унинг ҳузурига иккита фаришта – Мункар ва Накир кириб келадилар ва уни ўтиргизиб, сўроққа тутадилар. Аллоҳ таоло мўминларнинг қадамларини собит қилади ва уларни ҳақ сўзга йўллаб қўяди.



Маййитга то қиёмат жаннат ёки дўзахдан бўлган ўрни кўрсатиб турилади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Қабрда икки фаришта маййитни сўроққа тутиши ҳақ;
2. Қабрдаги азоб ва неъматлар ҳақ;
3. Маййит қиёмат бўлмай туриб ўзининг жаннат ёки дўзахдаги жойини кўради.
4. Маййит қиёмат бўлмай туриб ўзининг жаннат ёки дўзахдаги жойига кира олмайди.